

ЎЗБЕКИСТОН



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2007-yil • 6-fevral • Seshanba • 16 (27.661) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

❖ Огоҳлик — давр талаби



МАҲАЛЛАНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ


ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 13-МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА



Тахририятдан топшириқчи олган, пойтахтимизнинг Учтепа тумани, «Журжоний» маҳалласидаги 13-милиция таянч пунктига йўл олдик. Манзилимизга етиб келган, шу ердаги дўкон сотувчисидан маҳалла фуқаролар йиғини қаерда жойлашганини сориштирдик. Шунда ёши қирқлар чамасидаги бир одам биздан «Айнан қимни қудирясиз» дея сўраб қолди. Профилактика нозирлари кераклигини айтганимизда «Ботиржонни, поликлиника орқасида янги гузарда ўтиради» деб йўл кўрсатди.

Айтилган бино олдида эса янги «Дамас» автомашинаси турарди. Яқинда «Туркистон» саройида Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган анъанавий «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг республика босқичида «Журжоний» маҳалласидаги мазкур 13-милиция таянч пункти ҳам биринчи даражада дипломи ва ана шу «Дамас» автомашинаси билан тақдирланган.

Ўқинганда бўлса, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да худди шу «Журжоний» маҳалласида бир йўла учта ижтимоий объект — 8-оилавий поликлиника, замонавий спорт мажмуи ва гузар ишга туширилган. Мамлакатимиз раҳбари 2006 йил 22 августда бу ерга ташриф буюриб, мазкур ишхоналар билан яқиндан танишган эдилар. Очғичи, маҳалла гузарни, унда яратилган шарт-шароитларни кўриб лол қолди. Мана сизга ўзбек маҳалласи, ундаги саҳий, меҳр-муруватли одамлар... Милиция таянч пункти нозирлари иш кабинетини кўздан кечирар эканман, яна бир марта қўйил қолмасдан иложимиз йўқ. Ундаги энг сўнгги русумдаги компьютер ва бошқа жиҳозлар жой-жойига қўйилган. Қисқаси, ишлаш учун ҳамма нарса етарли.



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

Абдулла Авлоний номдаги халқ таълими ходимлари-ни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида барқамол авлодни тарбиялашда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, умумтаълим муассасалари директорларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари, услубчилар, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон халқ таълими вазири Т.Жўраев, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Қуროнов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ этиш жаъраёнлари маънавий-маърифий жабҳада кечаётган ижобий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётганини таъкидладилар. Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва барқамол инсонлар этиб вояга етказиш маънавий-маърифий соҳадаги

эзгу ишларнинг узвий қисми-дир. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ ёшларга пухта ва мукаммал таълим бериш жаъраёнлари Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек маъсулиятли иш билан уйғун ҳолда олиб борилаётган.

Юртимиздаги мавжуд салкам ўн минг умумтаълим мактабида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришга қатъий эътибор қаратилаётган. Жаҳонда глобаллашув, мафкуравий курашлар, инфор-мация таҳдидлар тобора авж олаётган бугунги мураккаб давр бу борадаги ишларни янги-ча талаб ва мезонлар асо-

сида ташкил қилишни тақозо этаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилган миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга оид қарори бу борадаги ишларни янги-ча негизда амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуманда ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари, мактаб, маҳалла, ота-оналар ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаш, турли ташкилотлар ўртасидаги маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштиришининг ягона механизмини яратиш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратилган маърузалар тинг-ланди. Соҳада ҳамкорликда амалга оширилажак чоралар тадбирлар расмий белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари, Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан шахсан ўз номидан ва Сенатнинг халқаро алоқалар қўмитаси номидан йўллаётган самимий табригимни қабул қилгайсиз. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) мазкур қарори Сизнинг раҳбарлигини ўз ўрнида, жумладан, пойтахт Тошкентда минтақавий маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг яна бир эътирофидир.

Ижозатингиз билан яна шунинг таъкидламоқчиманки, Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бутун Осий китмаси учун катта шарафдир.

Яқинда Покистон парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикасига ташриф буюриб, самарали музокаралар ўтказди ва биз самимий меҳмон-дўстлик учун Ўзбекистон Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигидан гоъят миннатдоримиз. Бу самимий мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва биродарлик ришталаридан яна бир далолатдир.

Эзгу тилаклар билан,

Мушоҳид Ҳусайн САИД,
Покистон Ислам Республикаси Сенатининг
Халқаро алоқалар қўмитаси раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Тарихий аҳамиятга молик воқеа — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан йўллаётган самимий табригимни қабул этгайсиз.

Ушбу қарор ислом қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлишига ишончим комил эканлигини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Самарқанд ва Бухоро Ўзбекистоннинг бой ва буюқ тарихидан далолат берувчи шаҳарлар сифатида ислом тарихи солномасидан ҳақли равишда мангу жой олган.

Сизнинг ҳуқуматингиз томонидан ислом цивилизациясининг маърифий қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида изчил сиёсат олиб борилаётганини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Парвардигордан Сиз, Жаноби Олийларига сihat-саломатлик, Ўзбекистон халқига фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Қамолти эътиром билан,

Ақбар Аҳмад ҲУСЕЙН,
Покистон — Ўзбекистон моданияти
жамияти президенти

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги масала муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан Омбудсман Сайёра Рашидова ахборот берди.

Ҳисоботдан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, улар устидан мониторинг олиб бориш, фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқларини тиклаш, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолияти ва бошқа масалаларга кенг ўрин берилди. Шунингдек, тақдим этилган ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятининг устувор йўналишларига, ўн бир йиллик даврдаги амалиёт ва орттирилган тажрибага мувофиқ тайёрланган бўлиб, унда Омбудсманнинг 2006

йилдаги фаолияти яқунлари, унинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ўзига хос бўлган муаммоларига доир таҳлили ва ҳулосалари, инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир мониторинг тадқиқотлари натижалари, мамлакатимиздаги шериклар, хорижий ҳамкасблар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларга оид материаллар берилган.

Ушбу ҳисоботда кўрсатилишича, 2006 йилда Омбудсман институтига 7655 та муурожаат тушган, ишонч телефони орқали 647 та муурожаат бўйича юридик маслаҳат ва тушунтиришлар берилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил номига келган муурожаатлардан 1434 таси назоратга олинган.

Ҳисобот даврида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан 17 та ҳулоса тайёрла-ниб, улар тегишли давлат органлари ва муассасаларга юборилган. Умуман, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили турли давлат органлари, ижтимоий тузилмалар билан фаол ҳамкорлик қилиб, уларга муурожаатларни йўллаган.

Фуқароларнинг муурожаатларида кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига, инсоний муомалага ва қадриятларини ҳурматлаш ҳуқуқига риоъ этиш, судларнинг ишни адолатли кўриш ҳуқуқига риоъ этиш билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Йиғилишда таъкидландики, Омбудсманнинг асосий ташаббуслари, саъй-ҳаракати ва интилошлари вуқудга келган вазиятга, ислоҳотларга мос бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг фаолияти мунтазамлик касб этиб, давлат органлари тизимида барқарор мавқега эга бўлиб, Ўзбекистон янада демократлаштиришга ва ҳуқуқий жамият қуриш сари илгарилашга ёрдам бермоқда.

Фракция аъзолари Омбудсманнинг 2006 йилги фаолиятини маълумлаш, унинг келгу-си фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ўз таъкид ва мулоҳазаларини билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ

БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ҚўЛЛАШ ПАРТИЯНИНГ КЕЛАЖАҚДАГИ МУВАФФАҚИЯТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Аҳолининг сиёсий онгини, фаоллигини ошириш, электорат билан ишлашнинг самарали усулларини таъкидлаш ҳамда партия мафкура-сини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партиясида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ташкил этилиб, сиёсий семинарлар давом этаётган. Қўни кеча партия Марказий Кенгаши хузуридаги доимий ҳаракатдаги сиёсий семинарда «Ўзбекистон ХДП электорати: унинг ижтимоий таркиби, манфаат ва эътиёллари» мавзусида маъруза ўқилиб ўтди.

Унда ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар, партия фаоллари, ЎзХДП МК масъул ходимлари, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этидилар.

— ЎзХДП В қурултида, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, — партия ўзининг электоратини аниқ белгилаб олганда. Унга кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партияси:

— бозор шароитларига мослаша олмаган ва турли сабабларга кўра доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган меҳнатта лаёқатли аҳоли, айнакча, қишлоқда истикомат қилувчи фуқаролар; — ўтиш даврининг мураккаб шароитларида ўз касбига мос ишга жойлашишда қийналаётган ва тегишли ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар; — фаровонлиги пенсия ва ижтимоий нафақалар даражаси билан бевосита боғлиқ бўлган пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф қатламларини ўз электорати деб эълон қилди. Эндиги асосий вазифа эса, мазкур масаланинг назарий ва сиёсий ҳақиқатларини партия фаоллари, кенг жамоатчиликка тушунтириб беришдир.

Шундан келиб чиқиб, партия электорати таркиби, манфаатлари, электорат манфаатларини ўрганишнинг шакли ва услублари ҳамда бу борада мониторинг ўтказиш методикасини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирда ЎзХДПда электорат билан ишлашнинг қатор

самарали усуллари мавжуд. Масалан, бир йил олдин ЎзХДПнинг барча кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари бунга мисол бўлади. Жойлардаги 200 дан ортиқ қабулхоналар айнан партия электоратига амалий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамларни кўрсатиб келаётган.

Семинар иштирокчилари мавзу юзасидан савол-жавоблар ва эркин мулоқот тарзида ўз фикрларини баён этдилар.

— Қўйилган мавзу жуда муҳим ва долзарб, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Боймурод Юсупов. — Биз аввало, «Электорат ўзи нима?», «Партия электоратини танлайдими ёки электорат партияни?», «ЎзХДПнинг аниқ электорати қимлати?» деган саволларга оддий, тўла жавоб топиб, сўнгра халқона тилда тушунтиришимиз ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз зарур. Электорат манфаатларини ўрганганда уларнинг нафақат моддий, балки маънавий-маърифий эътиёллари ҳам эътибор қаратишимиз зарур. Партияимизнинг бугунги

қанда электорат билан қанчалик яхши ишлаши унинг келажаги учун, айнакча, сайловлар даврида жуда асқотган.

— Партияимиз электоратининг барча вакиллари доим бизга хайрихоҳ ва сайловлар жараёнида фақат бизни қўллаб-қувватлайди, дейишимиз қийин. Чунки, биз энди аста-секинлик билан электорат билан ишлашнинг янги усуллари билан фойдаланаямиз, бу мавзунинг муҳокама қилаёلمиз. Шунинг учун масалага жиддий қараб, унинг муҳокама си бошлангич партия ташкилотларидан кўриб боришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бундай тадбирларда эса партияимиз электорати вакилларининг ҳам фаол иштироки муҳимдир, — деди ЎзХДП Яқасаройи туман кенгаши раиси Толиб Сайфуллаев.

Ушбу мавзу ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар партия кенгашларининг навбатдаги семинарларида муҳокама қилинади.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 6 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божа ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	961,10	1 Польша злотийси	412,44	* Валюта қиймати белгилаш чо- ринда Ўзбекистон Республикаси Мар- казий банки маъ- зур валюталарни ўшбу қийматда со- тиш ёки сотиб олиш мажбурияти- ни олманган.
1 Англия фунт стерлинги	2441,45	1 СДР	1859,13	
1 Дания кронаси	215,83	1 Туркия лираси	885,85	
1 БАА дирхами	338,41	1 Швейцария франки	994,60	
1 АҚШ доллари	1242,85	1 ЕВРО	1608,00	
1 Миср фунти	218,37	10 Жанубий Корея вони	13,28	
1 Ислондия кронаси	18,08	10 Япония йенаси	102,88	
1 Канада доллари	1048,82	1 Россия рубли	46,94	
1 Хитой юани	160,10	1 Украина гривнаси	246,11	
1 Малайзия ринггити	355,10			

O'zbekiston
havo yo'llari



Хизматлар аниқлаштирилган

❖ 2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»

Тахририятимиз мана шундай қараш ва ёндашув нуқтаи назаридан республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига мурожаат қилиб, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида қилинадиган ишлар ва режалар ҳақида сўзлаб беришни сўради.

Қуйида вазирликнинг Ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш ташкилотлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари — «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастури ижросини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳининг масъул котиби Мубтабар СОДИҚОВнинг шу ҳақидаги фикрлари ва маълумотлари билан танишасиз.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини олдиндан белгилаб олиш — энг яхши амбаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Жорий йилда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳам олдинги йилларда амалга оширилган ижтимоий дастурларимизнинг манتيқий давоми бўлиб хизмати қилади. Жумладан, 2007 йилда ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишга табақалашган ҳолда ёндашувни кучайтириш йўлида Республика Президентини белгилаб берган устувор вазифалардан келиб чиқиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш ва ривожлантириш, бунда ушбу тизимнинг ҳуқуқий нормалари ҳамда қонунларни аниқлаб беришдан янги қонунчилик базасини яратиш, шунингдек, мавжуд қонунларга қўшимча ва ўзгариштирилари киритиш кўзда тутилган.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига, жумладан ёлғизлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган (балогат ёшига етмаган) болаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар норма (меъёр)лари ва ставкаларини маълумлаштириш борасида мақсадли ишлар олиб борилмоқда. «Ихтисослаштирилган мактаблар ва интернатлари битириб чиққан етим болалар, ота-онанинг қаровисиз қолган болалар ва алоҳида муҳтож болалар учун уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртига ўқишга киришида бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида», «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ва 16 ёшга бўлган болаларга ногиронлиқни тайинлаш тартиб-тартиб тўғрисидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Аслини олганда, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури ҳам авваллари қабул қилинган дастурларнинг манتيқий давоми бўлиб, унинг мақсади — инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида республикада амалга ошириб келинаётган мақсадли ишларни янада чуқурлаштириш, уларнинг кўламини ва таъсирчанлигини оширишидир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йилгилидаги маърузасидан келиб чиқиб, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ишлар чиклиди ва жорий йилнинг 23 январидан у Юртбошимиз имзоси билан ўз тасдиғини топди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича муайян мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси (мажмуаси)ни амалга ошириш дастурининг бош мақсади ҳисобланади. Унинг асосий йўналишлари Президентимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қароридан аниқ белгилаб берилган. Ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам болаларга қўрсатишга табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимчалар, ўзгаришлар киритиш кўзда тутилган. «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» шиори остидаги мақсадли вазифани ҳаётга кенг татбиқ этиш муҳим ва-

зифалардан ҳисобланади; Аҳолининг ночор қатламлари — муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, бунда айниқса, маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилган; «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, энг му-

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

ЎТА МУҲИМ МАСАЛА. У ЖАМИЯТИМИЗНИНГ, БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ҳим вазифалардан этиб белгилади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, одамлар орасида пенсия пули миқдорини белгилашда «потолок» тизими бор, деган гап-сўз юради. Мавжуд қонунчиликка мувофиқ, ҳисобланадиган пенсия миқдори нисбатан «потолок», яъни энг юқори миқдор тушунчаси мавжуд эмас, балки пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун инобатга олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг 7 карраси билан чегарланади. Пенсия миқдори эса меҳнат стаж давомийлигига боғлиқ равишда ўйиб бераверади. Инобатга олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи чегарасини ошириш масаласига келсак, бугунги кунда бу чегарани ошириб, иш ҳақларини дифференциаллаган ҳолда ҳисобга олиш масаласида тақлиф ишлаб чиқилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида қабул қилинадиган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини табақалашган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш ва бу ишларда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларининг ўрнини белгилаб бериш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда болаларнинг, шу жумладан, чин етим болалар, ота-она қаровисиз қолган болалар, ногирон болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи меъёрлар белгилаб берилди. «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томо-

на нидан ижтимоий сугурталаш тўғрисида»ги Қонунда Меҳнатда жароҳатланиш ёки касб касалликлари билан касалланиш ҳолларида ишчи ва ходимларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш мезонлари, меҳнат муҳофазаси соҳасида иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар оидинлаштирилди. «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органларини фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳужжатда бу борада ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланган ҳужжатлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг манзилли ҳимояси чора-тадбирлари таъсирчанлигини кучайтириш, бу ишларни табақалашган ҳолда амалиётга жорий этиш имконини беради. Дастур доирасида «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳужжати қабул қилиниши натижасида махсуслаштирилган касб-ҳунар коллежларининг ҳуқуқий статуси (мақоми) ҳамда бу ерда таълим олаётган имконияти чекланган (ногирон) болаларнинг таъминоти меъёрлари белгилаб чиқилди. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон лойиҳасида мустақил ҳаётга қадам босаётган ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар яратиш, ипотека ва истеъмош кредитларининг фойдаланиш имкониятларини яратиш кўзда тутилган. «Оилавий болалар уйлари тўғрисида» қабул қилинадиган ҳужжат асосида оилавий болалар уйлари статуси (мақоми), уларни ташкил қилиш тартиб-қоидалари, чин етим болаларни оилавий уйларида фарзандликка олиш ҳамда ота-оналар ҳуқуқлари белгилаб берилди. «Ихтисослаштирилган мактаблар ва интернатларни битириб чиққан етим болалар, ота-онанинг қаровисиз қолган болалар ва алоҳида муҳтож болалар учун уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва

олий ўқув юртига ўқишга киришида бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги ҳужжатга кўра ижтимоий муҳофазага муҳтож болалар — чин етим, ота-она қаровисиз қолган болалар, ногирон болаларнинг касб-ҳунар коллеж ва олий ўқув юртига ўқишга киришида уларга қўшимча имтиёзлар бериш меъёрлари ҳамда тартиблари белгилаб қўйилди. Натижада бу тоифа болаларнинг келгусида жамиятда ўз ўринларини эгаллашлари, мустақил ҳаёт кечиришлари учун имкониятлар яратилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар ва ўзгариштирилган киритилиши туфайли ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси шарт-шароитларини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш шароитлари туғилиши ва ногиронларни иш билан таъминлашда иш берувчиларнинг ҳам имконияти ва қизиқишлари орттириш, табиий. Масалан, 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронлиқни тайинлаш тартиб-тартиб тўғрисида»ги ҳужжатда бу борада ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланган ҳужжатлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг манзилли ҳимояси чора-тадбирлари таъсирчанлигини кучайтириш, бу ишларни табақалашган ҳолда амалиётга жорий этиш имконини беради. Дастур доирасида «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳужжати қабул қилиниши натижасида махсуслаштирилган касб-ҳунар коллежларининг ҳуқуқий статуси (мақоми) ҳамда бу ерда таълим олаётган имконияти чекланган (ногирон) болаларнинг таъминоти меъёрлари белгилаб чиқилди. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон лойиҳасида мустақил ҳаётга қадам босаётган ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар яратиш, ипотека ва истеъмош кредитларининг фойдаланиш имкониятларини яратиш кўзда тутилган. «Оилавий болалар уйлари тўғрисида» қабул қилинадиган ҳужжат асосида оилавий болалар уйлари статуси (мақоми), уларни ташкил қилиш тартиб-қоидалари, чин етим болаларни оилавий уйларида фарзандликка олиш ҳамда ота-оналар ҳуқуқлари белгилаб берилди. «Ихтисослаштирилган мактаблар ва интернатларни битириб чиққан етим болалар, ота-онанинг қаровисиз қолган болалар ва алоҳида муҳтож болалар учун уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва

МАҲАЛЛАНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 13-МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Маҳалламиз худудидан 14 та кўчада 2900 нафарга яқин аҳоли яшайди, — дейди профилактика нозирини, капитан Ботир Каримжонов. — Уларнинг 1450 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳар кун эртадан ишга келгач, оқсоқол, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, посбонлар сардори билан биргаликда кўчаларни айланиб чиқамиз. Рўйхатда турган ва айтилган жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг оилаларидан хабар олаемиз. Шахсан мен профилактика нозирини сифатида маҳаллага ким келиб кетаётганлигини доим хабардор бўлишга ҳаракат қиламан. Маҳаллада вояга етмаган ёшларнинг жиноят кўчасига киришига йўл қўймаслик мақсадида ҳар доим улар иштирокида турли хил тадбирлар ўтказиб турилар экан. Бу ҳудудда ўқув даргоҳлари жойлашмаганига бўйс болалар 81, 126, 193-ўрта мактабларга қатнаб ўқишаркан. Ҳар ойда бир марта ўша мактабларга оқсоқол, профилактика нозирини фаоллар бориб, улар билан суҳбатлашганимиз, муаммолар биргаликда ҳал этилади. Янги очилган спорт мажмуиди ёшлар спортнинг 8 тури билан шугулланишлари мумкин. Шунинг алоҳида қайд этиш кераки, маҳалла аҳолиси бир-бири билан жуда иноқ. Улар профилактика нозирига ҳам қўлларидан келганича ёрдам беришади. Шу туфайли бўлса керак, маҳаллада ўтган йилги умуман жиноят содир этилмаган, кўнглисиз воқеалар бўлмаган. Албатта, бу натижаларга эришишда фаолларнинг ҳам хизмати катта.

— Маҳалламиз аҳил, оқсоқоллар билан биргаликда бир ҳисобланади, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Сурайё Ёсубова. — Ҳар йил ёмон иллатларга қарши курашишда маҳалламиздаги милиция таянч пункти билан биргаликда ишлаб чиққан тадбирларимиз айниқса кўл келмоқда. Шуларнинг натижасида ўлаётган ёшларга гап кетар экан, ёшларнинг юриш-туриши профилактика нозирининг доимий диққат марказида эканлигини айтиш керак. 13-милиция таянч пункти фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида битта хулосага келдик: ҳақиқатан ҳам ерда қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, фаоллар, фахрийлар, ота-оналар профилактика нозирини Ботир Каримжоновга имкон доирасида ёрдам берадилар. Бу эса тинчлик-оқойишталикни сақлаш, юрт хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиллардан биридир.

Маъмуржон МАХМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратлар: 13-милиция таянч пункти профилактика нозирини капитан Ботир Каримжонов маҳалла фаоллари билан.
Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

❖ Муносабат, мулоҳаза

МУҲОФАЗА

ЁКИ СУД ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ФУҚАРОЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Қўллаб назоратчи олимлар, амалиёт ходими суд назорати масаласига жиддий қизиқиш билан қарайдилар ва ўз муносабатларини билдирдилар. Айниқса, «суд назорати» қандай назорат ва у «прокурор назорати»дан қандай ҳусусиятларига қўра фарқланади, деган фикр кўпчиликнинг эътиборидир. Прокурор назорати — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қонунларнинг аниқ бир хилда тушуниб, бир хилда татбиқ этиш устидан назоратни англатса, суд назорати келишмовчиликни бартараф қилишга, адолат ва ҳақиқатнинг қарор топишига хизмат қилади. Суд ҳокимияти билан прокурор назорати бир неча масалаларда ўз фаолиятларини биргаликда амалга оширади. Буларга қуйидагилар кирди: Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг шикоят, аризалари бўйича қонунга хилоф, асосланмаган қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ўз вақтида бартараф қилиш; Дастлабки терговда процессуал мажбуриятлар чоралари ва тергов ҳаракатларининг қонуний ва асосли бўлишини таъминлаш; Жиноят иши материалларини судга тайёрлаш, биринчи ва юқори инстанция судларида қонуний, асосланмаган ва адолатли ҳукм чиқариш ва уни текширишни амалга ошириш; Жиноий жазоларни ижро эттириш. Дастлабки терговда суд назорати ўрнатилишининг энг муҳим жиҳати шунки, бу назорат ҳолисликни олиб қиради ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишга, тергов материалларини доимо ҳақиқатга яқинлаштиришга ёрдам беради. Қолаверса, дастлабки терговда суд назоратининг бўлиши прокурор назоратига ҳалал берайди, чунки улар ўз фаолиятларини бир-бирдан мустақил ҳолда амалга оширадидилар. Прокурор назорати суриштирув ва дастлабки терговда доимий равишда, узлуксиз, бутун тергов давомида уларнинг барча фаолиятларини тўлалигича қамраб олган ҳолда амалга оширилади. Суд назорати эса бундай ҳусусиятга эга эмас.

Лектин таъкидлаш жоизки, дастлабки терговга суд назоратини олиб кириш прокурор назоратини амалга оширишга тўқтинлик қилмайди, балки бу фаолиятнинг самарали бўлишига ёрдам беради. Бу назорат инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишдек асосий мақсаддан ташқари, дастлабки тергов сифатини оширишга ҳамда жиноят процессининг дастлабки босқичларидан бошлаб одил судловнинг самарали бўлишига хизмат қилади. Одил судлов билан прокурор назорати ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик бўлмаса-да, узвийлик бўлади, юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят процесси босқичлари тизим сифатида янада мустаҳкамланади. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида хато ва камчиликлар, далилларни тўлашдаги қонунсизлик, айблов ва ҳимоя позициясидаги номuvoфиқлик ўз вақтида бартараф этила-



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Қорортлар бош бошқармасига қарашли «Косонсой» сийҳатгоҳи хушманзара маскандан жойлашган. Айни пайтда бу ерда мамлакатимизнинг турли гушларидан келган 64 нафар фуқаро дам олиб, ўз саломатликларини тиклашмоқда.



КОСОНСОЙ СОҲИЛИДА

жойлашган сийҳатгоҳда бугун юзлаб фуқаролар мириқиб дам олишмоқда, дардларига малҳам топишмоқда

соғлигини яхшилаш мақсадида туну кун меҳнат қилишмоқда. Бунинг учун бизда зарур шарт-шароитлар етарли.

♦♦♦

Суратларда: шифокорлар Муҳаммад Масаидов, Маҳбуба Жабборкулова, Зухра Қаландарова; дам олувчилар.

Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар.

— Сийҳатгоҳимиз асосан юрак-қон-томир, ҳаракат ва таянч аъзолари, нафас йўллари ҳамда

ҳазм органлари касалликларини даволашга ихтисослашган, — дейди сийҳатгоҳ директори Нўмонжон Мўйдинов. — Жамоамиз янгиликка интилиб яшашга ва ишлашга одатланган. Бизда туз билан даволан бўлинимаси, табиий сауна, фитобар, ёпиқ ва очик сув ҳавзалари ҳам фаолият кўрсатмоқда. 7 нафар малакали шифокор, 26 нафар ўрта махсус маълумотли тиббий ходими сийҳатгоҳимизга келган фуқароларнинг

Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА,
ТДЮИ ўқитувачиси,
доцент

❖ Қадрият — ўзликни англаш

АСРЛАРГА ТЕНГДОШ ҚЎШИҚЛАР

Хар бир халқнинг миллий ўзини хослигини кўрсатадиган аёнана ва маросимлари, урф-одат ва байрамлари бор. Асрлар буйи яратилиб, эволютсияга юксак икки дий салоҳияти тўғрисида айтаётган айна шундай аёнана-лар аслида ўша миллиятнинг ўзлигини, менталитетини, миллий қиёфасини белгилайди. Зеро, бундан бир неча минг йиллар муқаддам Зараўткамар ва Сармишоқ қоятошларига ажойиб сурат ва чизгилари муҳраб, асрлар давомида «Аппомиш», «Уруғли» сингари буюк эпосларни қуйиб келган доно аждодларимиз бизга бамисли бадий тафаккур сарчасидаги инжуларга қиёс қилса аригулик бой маданий мерос қолдиришган.

Икки азим дарё ораллигидаги шу муборақ заминда яшаб келган аждодларимизнинг яратувчилиги, яшариши, янгилаши билан боғлиқ энг азгу ва ҳаётбахш гоёларини ўзида мужассамлаштирган Наврўз байрами ҳам ана шундай бетақдор бадий қадриятлардан бири ҳисобланади. Асрлар ардоғида улғайиб, сайқал топган бу фусункор шодиёна ҳаммида эзгуликни улғайиб, халқимиз дилига ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик, мўл ҳосил ва қўл-барақа тилаш гоёсини хо ётиб келган.

Наврўз — йил янгиладиган, табиат ўйғонадиган, далага яхши ният билан барақа уруғини қадайдиган бободоҳонлар ҳамда қўй-қўйларини сервўлоқ яйловларга ёдйидан тажрибали чорвадорлар учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган, қўйнинг, ҳар бир юртдошимизнинг қалбидида энг орзулар барқ урадиган бир даврда нишонланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «қўлдам нафаси уфуриб, майини шабадалар эса бошлашди, табиат ўйғониб, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига янги куч, янги ғайрат киргандек, унинг томирига, унинг қон-қонига ҳаёт ва баҳор нафасиди югургандек бўлади, юрагимизни, бутун бормизимизни яхшилик ва яратувчиликка ундайдми».

Наврўзи олам ўз моҳиятига қўра тозашиш, руҳий покляниш ва ҳаётнинг боқийлигини тараннум этиш тантанаси сифатида ҳар бормизимизнинг юрагимизга яқин, вужудимизда оқётган ҳаётбахш жолагарини бир-бирига пайванд қиладиган ажойиб бир фасл. Бу қадимий байрам элу юртни бирлаштиради,



одамларни бунёдкорликка ундайдми, яратувчилик мақсадида бошланган ҳар бир ишга унум башх элади, дилларни меҳр-мурувват нури ила ёритади. Наврўз табар-руқ заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, қўлдам мўъжизаларидан лаззатланишга, оппоқ гуллаган ўрик шоқларини қўқигулларнинг зарғалдоқ гуналаридидаги бетакдор гўзалликни дилга жо этишга ўргатади. Йилбоши байрами ҳақида гап кетганда, беихтиёр ям-яшил қирлар бағрига қизгалдоқлар анвол бўлиб сочилиган фарабашх гулда оммивий тарзда ўлғайиб келинган Наврўз сайилари кўз олдимизга келаредди.

Жумладан, бойчечак, лола, қизил гул, қизгалдоқ билан алоқадор «гул сайилари», йилнинг охири чоршанбасида ўтказилган «омир чоршанба» удуми, ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган «ашар» аёнанаши, йилбоши арасида қилинадиган «Қозон тўли» удуми, илк қўлдамда далага биринчи марта қўш чиқариб, дон экиш одати — «шоқ мойлар» маросими, етти хил дондан «наврўз гўжа» пишариши ҳамда етти хил қўқатдан қўқ сомса тайёрлаш одати, арғимчўқ учуш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учуриш, қўқор, қўроз, туя уриштириш аёнанаши ҳам халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ бебаҳо қадриятлари саналади. Бу удум ва аёнанашининг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, замирида аждодларимизнинг энг тушунчалари ётади.

Президентнинг Наврўзи оламини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш тўғрисидаги фармони асрлар давомида инсониятни энг муқаддас қадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлидаги шундай жасоратли туфайли деярли унутилиш арафасига келиб қолган қўлдам айна ва маросимларимиз қатори Наврўз ҳам тикланиб, юртимизнинг барча сўлим гушларидида меҳнат ва яшариш шодиёнаши сифатида кенг қўламада нишонлана бошлади.

Энг қувончли, Наврўз байрами қаторида у билан боғлиқ фольклор асарлари, удум ва аёнана ҳам қайта тикланди. Зўқо момоларимиз нуруний ота-хонлар хотирасида сақланиб қолган Наврўз қўшиқлари, айтим ва ўйинлари ана кенг қўламада ижро этила бошланди. Чўқки, «мана шундай шўққудли дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламага бағрини кенг очиб, ўз қалбидида энг

энг туғиғу ва тилақларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дўсту биродарларига бўлган меҳру муҳаббатини изҳор этишга интилади».

Юртимиз муқтақлиги туфайли бугун Наврўз байрами халқимизнинг энг қўл-қўл ва хосиятли айёмларидан бирига айланди. Натихада аждод-

ларимиз бадий тафаккурининг сарчасидадан баҳра олган халқ наврўзномаси — қўшиқ, лапар, айтим, олқиш каби турфа жанрлардан иборат Наврўз фольклорининг хўшиқ тўлқинлари бамисли ўзига қайтган дарёлар сингари мавжляниб-мавжляниб оқа бошлади. Назаримизда, Наврўз байрами ўз тарихий тараққийи давомида ҳеч қачон хозиргидек қадр топиб, бундай кенг миқёсда нишонланмаган эди. Миллий аёнанаширимизни сақлаб қолиш ва халқимизнинг маънавий тикланишига замин яратиш йўлида фидойилик кўрсатётган Юртбошимизнинг сайё-ҳаракатлари туфайли Наврўз байрамининг барча удумлари тикланиб, унинг қадимий аёнанаши бугунги замонашларимиз томонидан яратилган бадий қадриятлар билан уйғунлашиб чинакам миллий байрамга айланди. Эндилдиқда бу байрам мамлакатимиздаги барча халқларнинг ўзаро бирлаштирадиган, меҳнатсеварлик ва яратувчилик, тинчлик ва ҳуфқирликлик, қўл-барақа, меҳр-мурувват ва эл-юрт ободончилиги гоёсини ташувчи умумхалқ шодиёнаши сифатида ўлкамизда кенг нишонланади. Зеро, ўз аждодларининг маънавий қадриятларини қадрлаган халқнинг истиқболни ойдин бўлиши табиийдир.

Маматкул ЖўРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

ТАХРИРИЯТДАН:

Маълумки, қиш фасли охирида, атрофга баҳорий ийлик югура бошлаши билан бободоҳон эрта қўқламга ташвишларга киришади. Иккунчи салоҳияти гўт юксак халқимиз қадим замоналардан буён ана шу паллага тегишли бўлган турли удумлари, аёнана ва одатлари билан боғлиқ қўшиқларини яратиб, бадий тафаккур гулшанининг ноҳир жавоҳирлари сифатида бизнинг қўқларига етказиб келган. Биз газетамизнинг Наврўз байрами ва баҳорий удумлар ила алоқадор ўзбек халқ қўшиқларидан баҳраманд этиш ниётида «Наврўз қўшиқлари» руқни остида ана шундай қадри абад фольклор асарлардан намуналар бериб боришни режалаштирдик.

Сиз газетамизнинг келгуси сонидан бошлаб ушбу байрам ўтказилиши билан боғлиқ аёнана, одат ва сайилларда ижро этиладиган қадимий қўшиқлар, сумалак пишариш, ҳалинчак учуш, гул сайли каби баҳорий удумлар фольклори, шунингдек, ўлкамизга эрта қўқламда учиб келадиган қўшларга қарата айтиладиган айтимлар, далага биринчи марта қўш чиқариш ва дон экиш маросимлари, уларга алоқадор қўшиқлари ҳақида ўқийсиз.

❖ Фўқаро муҳофазаси

ҲУШЁРЛИК — ХАВФСИЗЛИГИМИЗ АСОСИ

Бўстонлик тумани Тошкент вилоятининг тоғли гўшаларидан бири ҳисобланади. Ўлкамизнинг айрим жойлари каби бу ҳудуд ҳам табиий ва техноген хусусиятли фавқуллода вазиятлардан холи эмас, сел, zilzila ва ер қўққи ҳодисалари рўй бериб туради.

Набатдаги махсус-тактик ўқув машқининг айнан бу ерда ўтказилишининг асосий сабаби ҳам шу. Тоғ шароитида фавқуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, жабрланган аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хавфсиз жойларга қўчириш ҳамда авария-тиклаш, қидирув-қўқарув ишларини олиб бориш асосида қўқарувчилар маҳорат синовида ўтказилади.

Тасдиқланган режа асосида Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани ҳудудида қарашли «Чорвоқ сув омбори», Қоранқўл қишлоғи, Ҳўжакент ҳамда «Чимён» аҳоли пунктида қўмондонлик-тактик ўқув машқи ўтказиш кун тартибидан жой олган эди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, Бўстонлик туман ҳудудида zilzila оқибатларини бартараф этишда ФВДТ (фавқуллода вазиятларда Давлат тизими) бошқарувининг идора ва кўчалари тизимларини ўзаро ҳаракатини ташкил қилишидир. Яъни фавқуллода вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда ёрдам кўрсатиш, тузилма ҳақида икти-содиб тармоқлари бошлик ва раҳбарларнинг фўқаро муҳофазаси кўч ва воситаларни бошқариш, уларга раҳбарлик қилиш чоғида амалий қўқималарини тақомиллаштиришни иборат, — дейди Тошкент вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Жўрта Шарипов.

Штаб бошлиғи томонидан тадбирнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, раҳбарларнинг ўқув машқига тайёрлик тингланди. Шундан сўнг ўқув машқи бўйича белгиланган вазият тўғрисида тушунчалар берилиб, туман фўқаро муҳофазаси хизматлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда қишлоқ фўқаролар йиғинлари раҳбарларига вазифалар юклатилган, махсус-тактик ўқув машқи бошланди. Тадбир режасига қўра, сув босиш хавфи юзага келганда барча оғоҳлантириш тизимларини ишга солиш, офат рўй берган ҳудуддан аҳолини зудлик билан эвакуация қилиш ва жойлаштириш, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар машқ давомида ана бир бор синовдан ўтказилди.

«Қоранқўл» қишлоғи аҳолиси сув тошқини хавфидан оғоҳлантирилган, тадбир шартига қўра, аҳоли ва унинг чорва молларини хавфсиз жойларга эвакуация қилишга киришилди. Қўчирилган аҳоли хавфсиз бўлган ҳудудга ўтказилган, улар махсус автобуслар ёрдамида темир йўл бека-тига олиб келинди ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКГА қарашли вагонларга жойлаштирилди. Машқ жараянида қўчирилганлар соғлиғи қайта текширувдан ўтказилиб, «жабрланганлар» аниқланган, «беморларга» шу заҳотиёқ тиббий ёрдам кўрсатилди. Чорва моллари эса туман ветеринария хизмати ходимлари томонидан назоратта олиниб, зарур чора-тадбирлар бажарилди.

— Қўмондон-тактик ўқув машқи ўз вақтида ўтказилди, — дейди биз билан сўхтада «Қоранқўл» қишлоқ фўқаролар йиғини раиси

Ўқтам Нуриддинов. — Негаки, бу қишлоқда 600 дан зиёд ҳўжалик истиқомат қилади. Худо кўрсатмасин, сел ёки сув тошқини юз бергудек вазиятлар чоғида қандай тайёрлик қўриш зарурлиги ва уларни зудлик билан хавфсиз жойларга қўчириш тадбирлари машқ жараянида амалда кўрсатиб ўтилди.

Тадбирнинг навбатдаги қисми «Чимён» қишлоғида ўтказилиб, қўққисини рўй берган тақдирда қидирув-қўқарув ишларини олиб бориш ва аҳолини хавфсиз жойларга қўчириш, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ма-салаларига қаратилди. Маҳаллий аҳолининг айтишига қўра, қиш мавсумида бу тоғли ҳудудларда ёққан қорнинг қўққисини 2-2,5 метргача қузатишга пайтири ҳам бўлган экан. Бу шўбхасиз, йирик қўққисини эҳтиомлини қўққит-тирмадан қўққийди.

Машқ давомида «Чимён» қи-лоқ фўқаролар йиғини аҳолисини ва уларнинг чорва молларини хавфсиз жойларга вақтинча қўчириб-дан ташқари, шу ҳудуддан оқиб ўтувчи сой қўққисини мустақ-камлаш ва шу масқанда жойлаш-ган қўққилар, автомобиль йўл-ларни таъмирлаш ишлари олиб бо-ринди. Негаки, баҳор ойларидида ҳам табиий офат хавфи сақланиб қолади. Бундан ташқари, ана шу тоғли масқан ҳудудларидида қўққ қорнинг қўққисини тақдир қилиб ту-шиши ёки қаттиқ ёмғир ёйиши ҳолатлари бўлиб туради.

Машқ давомида «Чимён» дам олиш зонасида қўққисини хавфи туғилганда фавқуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича мақорликдаги ҳаракатлар қондирилиб баҳоланиб, барча иш-тироқчилар етарли қўққима ол-дилар.

Азамат СУЮНОВ

КАСАНЧИЛИК БЕРАЁТТАН ИМКОНИЯТ

туфайли пойтахт вилоятида ўтган давр мобайнида йирик sanoat корхоналари билан ҳамкорликда уч мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди

Президентимизнинг «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўр-тасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбат-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фар-мони жойларда қишлоқ аҳолисининг турмуш да-ражасини яхшилаш, янги иш ўринларини очишда дастурийлаш бўлиб хизмат қилмоқда.

Фирқимизнинг далили — биргина Қўққай туманида ушбу фармон ижросини таъминлаш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Тумандаги «Кар-

вон», «Интер Рохат», «Афсар СоЛТД», «Боу СоЛТД» қўққима корхоналари, «1-темир-бетон бўюмлари» ҳамда «Тошкентпаранда» ақидядорлик жамиятлари каби 16 дан зиёд қатта-кичик корхоналарда 180 на-фардан ортик қиши касаначилик асосида иш ўрин-ларига эга бўлди. Касаначилар — айни дамларда, бу корхоналарда ишчи-хизматчилар учун қийим ке-чаклар тикиш, қишлоқ ҳўжаллиги махсуслотлари учун махсус қўққий ясаш каби фаолият билан шуғулла-нишаётлар.

Соҳибжон САЛИМОВ

ОВОЗ ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?

Туркманистон телевидениесининг барча каналлари орқали бўлажак президентлик сайловлари пайтида овоз бериш тартиблари ҳақида тушунтириш берувчи видео лавҳалар эфирга узатилмоқда.

Бундай йўл тўтилишига сабаб шуки, кейинги 15 йилдан ор-тироқ вақт мобайнида Туркманистонда тўлақонли сайловлар ўтказилмаган эди. Шунинг учун қўққилик қишлари овоз бериш жараянининг тартибларидан хабардор эмас.

Маълумки, 11 февраль куни мамлакатда Президентлик сай-ловлари бўлиб ўтади. Хозир олтига номзод голиблик учун курашмоқда. Уларнинг орасида Туркманистон Президенти ва-зифасини вақтинча бажарувчи Г.Муҳаммедовнинг имконият-лари юқори деб баҳоланмоқда.


Президентликка номзодларнинг барчаси Сапармурод Ниё-зовнинг қатта портрети фонидида телевидение орқали чиқиб қилиб, ўз дастурлари билан халқни таништирмоқда.

ЯНГИ РАҲБАР

Исроил ҳукумати мам-лакат армия бош штаби раҳбари лавозимига 53 ёшли генерал Габи Аш-кеназининг номзодини бир овоздан маъқулади.

Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт ҳукумат йиғилиши-да Ашкенази раҳбарлигида армия янги ютуқларга эри-шадди, деб ишонч билдирди.

Ўз навбатида мамлакат мулофаз вазири Амир Перец ҳам армия бош штабининг янги раҳбарини қўлаб-қуватлаб, уни бирда-нига тўрт йиллик муддатта тайинлаши мумкинлигини айтиб ўтган.



ЙЎЛЛАР МУЗЛАБ ҚОЛГАН

АҚШнинг бир қанча штатларида ҳаво ҳарорати жуда пасайиб кетди. Масалан, Мичиган ва Иллиной штатларида ҳарорат минус 38-40 даражага тушган.

Шунингдек, Огайо ва Миннесота штатларининг бир неча туманларида ҳам ҳарорат жуда пасайган. АҚШ метеорология хизматининг маълумотла-рига қўра, ҳавонинг совуши яна 3-4 кун давом этиши мумкин экан.

Бунинг натижасида эса йўллар музлаб қолган ва бу қўлаб йўл транспорт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Мичиган штатида илгари ҳеч қузати-лмаган йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган — бир йўлга 50 та машина тўқнашиб кетган. Ле-кин ҳеч ким жабрланмаган.




30 КИШИ ЖАВОБ БЕРАДИ

Белоруссия пой-тахти Минск шаҳри-да муҳолифатдаги ташкилот «Молодой фронт»нинг 30 на-фар вакили хибсга олинган.

Маълум бўлишича, бу ҳаракат асосан ёшлардан ташкил топ-ган бўлиб, у ҳеч қан-дай расмий рўйхатдан ўзмаган экан. Ҳаракат аъзолари йиғилишлар-ни яширинча ўз йўл-ларида ўтказиб келиш-ган.

Қўла олинганларга қандай айбловлар қўйилиши ҳали маълум эмас. Беларуссия жи-ноят кодексига қўра, давлат рўйхатидан ўлмаган жамоат ташки-лотлари фаолиятидаги иштироки учун фўқаро-лар 2 йилгача озодлик-дан маҳрум этилиши мумкин.



УЧ ЙИЛ «ЎТИРАДИГАН БЎЛДИ»

Жанубий Кореянинг «Hyundai Motor» корпорацияси раҳбари Чан Мон Гу Сеул суди томонидан уч йилга озодликдан маҳрум этилди.



Прокуратура томонидан олиб боришга берилган айбловлар натижасида жаноб Чан Мон Гу ўз ваколатини суиис-теъмол қилиб, компаниянинг пулларини совурганини аниқ-ланган.

Дунёдаги автомобиль иш-лаб чиқарувчи энг йирик ком-паниялардан бири ҳисоблан-ган «Hyundai Motor»нинг ка-момати 74 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Суд даво-мида Чан Мон Гу кечирим сўраб, агар имконият берилса, ҳамма ишларни жойига қўйиб, компанияни дунё миқёсида ол-тинчи ўриндан бешинчи ўринга чиқаришини айтиб ўтган.

СИРЛИ ҲИМА

Россиялик икки нафар денгизчининг жасади Сингапурдан кел-тирилган. Сингапурнинг «Лонгана» кемаси капитанининг қатта ёрдамчиси 48 ёшли Виктор Пономарев ва қатта механик 45 ёшли Сергей Калинин кема каюталарининг биридан жонсиз ҳолда то-пилиган.

Денгизчиларнинг ўлими бўйича Син-гапур прокуратураси жиний иш қўзға-ган ва тергов олиб бормоқда. Дастлаб-ки маълумотларга қўра, иккала денгиз-чи ҳам Россиянинг Находка вилоятидан бўлишган. Уларнинг ўлимига спиртли ичимлик сабаб бўлган бўлиши мумкин, деган тахмин ўзини оқламади. Негаки, денгизчилар умуман ичиммас экан.



Интер-спорт


БИР ДАҚИҚАЛИ ЖАНГ

Афсонавий боксчи Му-хаммад Алининг қизи, америкалик Лайло Али ўзининг халқроқ бокс ушмасин йўналиши бўйича қўла киритган жаҳон чемпиони уно-нини ярим оғир вазнда мунособ ҳимос қилди. У гайаналик боксчи Ген-долин О'Нилини бир да-қиқада нокаутга учрат-ди.



Жанг эса Йоханнесбургда-ги «Эмпайер пэлэс» кази-носи рингида уюштирилган эди. 29 ёшли Лайло жан-нинг бунчалик тез туғанидан афсусланиб, муҳлисла-ру меҳмонлар яхши завқла-рига улгурган эди. «Мен жангга жиддий тайёргарлик қўрганман. Қўчи эканлигим-ни сезардим, — дейди Лай-ло. — Менинг томиримда машур Алининг қони оқмоқ-да». Шундай қилиб Лайло галабаларини 24 тага етказ-иб, шундан 21 тасини но-каут билан якунлаган.

ФАНАТЛАР ТАРТИБГА ЧАҚИРИЛМАСА...



Италия Бош вазири Романо Проди мамла-кат ички ишлар вазири Жулиано Амато ҳамда спорт ишлари бўйича вазири Жованини Мелан-ди билан ўтказилган кенгашда футбол безо-ригарига қарши кура-шиш тadbирларини иш-лаб чиқиб зарурлиги ҳақида баёнот берди.

«Reuters» ахборотида қараганда, Италия чемпионатида ўза-ро учрашган «Катаней» ва «Палермо» жамоалари ўйинида фанатлар ва безори ишқибозлар ўртасида жанжал қилиб, унда 38 ёшли полициячи Филиппо Рачити ўлган ҳамда 150 киши жароҳат олган экан. «Биз бундан буён бундай ноҳушлиқларга йўл қўяолмаймиз, — дейди мамлакат бош вазири. — Фанат-ларни тартибга чакориш чоралари, футбол клубларининг масъ-улиятини ҳис этиши ҳақида ўйлашимиз керак».

Ички ишлар вазири эса вазият ўзгармагунча футбол учра-шуларига полициячиларни сафарбар этолмаймиз деган фикр-ни айтган. Италия футбол уюшмаси президенти Серхио Ком-пана эса чемпионат ўйинлари бир йилгача кечиктирилиши мумкин демоқда.

ЭНГ КЎРКАМ ФУТБОЛЧИ

«Манчестер Юнайтед» клубининг футболчиси Уэйн Руни кўр-ринишдан энг бадждоқ ўйинчи, деб тан олинди.

Англиянинг «Operol» компа-нияси 4000 нафар аёл муҳлис-лар ўртасида ўтказган сўров-га мувофиқ ана шундай ҳуло-сага келинган. Руни бу бора-да 34 фоиз овоз олган бўлса, Англия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Питер Бирдс-лига 12 фоиз овоз берилган.

Роналдиньо ҳам юз кўрини-ши унчалик силлиқ бўлмаган футболчилар сафига киритил-ган. Энг кўркам футболчилар рўйхатини эса Дэвид Бекхэм башқармоқда.





Болалар спорти

Пойтахтимиздаги «Умид» болалар спорт макмуи ўғил-қизлар билан ҳамisha гажум. Анавар Набиев раҳбарлик қилаётган мазкур макмуада кунига олти юз нафар бола спортнинг футбол, баскетбол, стол тенниси, волейбол, енгил атлетика, сузиш сингари ўн уч тури билан шуғулланмоқда.

Ҳабиб Абдуллаев номли, «Баҳор», «Яланғоч» сингари ўнга яқин маҳалла фарзандларининг сеvimли масканига айланган бу спорт иншоотида ўғил-қизлар жисмоний чинқиш билан биргаликда шу ернинг ўзида тез-тез ўтказилаётган шаҳар ва республика миқёсидаги турли мусобақаларнинг гувоҳи ҳам бўлишмоқда. Бу эса ёшларнинг қалбида спортга бўлган меҳр-муҳаббатнинг ошишига хизмат қилаётди.

Суратларда: макмуа футбол мураббий Фахриддин Аблаев шогирдлари билан навбатдаги машғулотлар пайтида.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

РОМИТАНДАН ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

— Илгари жойларда спорт билан шуғулланишнинг усул ва босқичларига ўнчаллик эътибор берилмасди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ромитан тумани филиали бош мухассиси Баҳодир Темиров. — Мактабларда жисмоний тарбия дарслари шунчаки ўтилар, спортнинг оммавийлиги учун ҳужажуринга, у ҳам бўлса байрамлар арафасида баъзан баъзан спартакиадаларнинг шохиди бўларди. Хусусий спорт клублари охишга эса йўл бўлсин! Мустақиллик йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор жаҳон таърибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз спорт тизимига асос солинди. Бу эса аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қўл келмоқда.

Дарвоқе, биргина Ромитан тумани мисолида қўрайдиган

бўлса, бундай гажмўрлик туфайли спорт билан мунтазам шуғулланаётганлар сонин бугун қарийб 30 минг кишига етди. Қувонарлиси, шундан тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Улар 49 та қўйи спорт жамоалари атрофида уюшган. Спортнинг 14 тури бугун қишлоқда кенг ривожланган. Оммавий спорт секцияларида ўн бир минг нафардан зиёд ўғил-қиз шуғулланмоқда.

— Туманда мазкур жамғарма фаолият қўрсатаётгандан бун кишлоқларда янги спорт макмуалари қўрилди, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши раиси Тельман Бақоев. — Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 161 миллион сўм маблағи ҳисобидан Ромитан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига қўрилган «Миришкор» спорт макмуада ҳамма шартин мавжуд. Унда 31-болалар ва

ўсмирлар спорт мактаби ҳам очилди. Унда спортнинг бокс, футбол, волейбол, теннис, енгил атлетика каби турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятлари яратилган. Энг асосийси, «Миришкор» маҳалласида яшовчи 400 нафардан ортик бола бўш вақтини спорт майдончаларида ўтказмоқда.

Богитурқондаги 21-мактабда ҳам янги йили арафасида ўнмаи 24x11 метр бўлган замонавий футбол спорт зали ишга тушгани ўқувчи ва ўқувчилар учун қувончли воқеа бўлди. Туманда спорт заллари сонин 41 та етди.

Бир пайтлар «Нурфашон» ширкат ўҳжалигининг клуби вази фасинини ўтаган ташландиқ бино ҳомилар кўмагида қайта таъмирлаш қилинди. Натихада бар ерда бадий гимнастика марказига асос солинди. Ҳозир марказда ўттиз нафар қизалоқ бадий гимнастика сирларини ўрганмоқда.

Туманда ёшлар ўртасида спортнинг кураш турига бўлган ҳавас анча юқори. Шунини инбатга олган мутасаддилар жойларда турли хил тадбир ва турнирлар ўтказаятирлар. Яқинда тумандаги ихтисослашган спорт мактаб-интернатида «Кўргон» қишлоғида туғилган машур полков Субон Остонов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб хотира турнини ўтказилди. Унда туманининг турли бурчагинда ёш полвонлар иштирок этишди. Ҳикмат Тоҳиров, Шерзоҳ Низомов сингари ихтидорли полвонлар турнир ғолиби бўлдилар. Қўриниб турибдики, романтик ёш полвонлар орасидан эрта-индин жаҳон чемпиониари этишиб чиқушига шубҳа йўқ. Бунинг учун шартин ҳам, мутахассислар ҳам етарли.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овозини» мухбири

Спорт

ПЕКИНГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ

ЭРТАГА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКISTON ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ XXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДАНИНГ ИЛК САРАЛАШ УЧРАШУВИДА ТОЖИКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУШАДИ

Келгуси йили Пекинда бўладиган XXII ёзги Олимпия ўйинларида футбол бўйича қитъамиз шарофини туртта терма жамоа ҳимоя қилади. Мусобақа низомига мувофиқ, мезбонлар — Хитой олимпиячилари бахсларда тўғридан-тўғри иштирок этадилар. Қолган учта йўланма соҳибин эса уч босқичда ўтадиган саралаш учрашувлари орқали аниқланиши кўзда тутилган.

Вадим Абрамов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси биринчи босқич ўйинларида Тожикистон футболчиларига қарши майдонга тушади. Уй-сафар тизими асосида уюштирилладиган мазкур босқичнинг илк учрашувини ҳамюртларимиз эртага Тошкентда ўтказишади. Жавоб ўйини эса бир ҳафтадан сўнг Душанбеда бўлади.

Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларида туртинчи бор қатнашаётган футболчиларимизга шу кунгача ер кўрасининг энг

нуфузли мусобақаси финал босқичи йўланмасини насиб қилмаган. Шу бокс, бу гал Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоанин бахсларга пухта ҳозирлик қўриши учун барча шарт-шароитларни яратиб берди.

Таниқли футболчилар Миржалол Қосимов, Игор Шкваринлар билан ҳамкорликда ишлаётган бош мураббий Вадим Абрамов жамоа таркибини шакллантириш мақсадида Украина, Бирлашган Араб амирликлари ва Туркияда муҳим ўқув-йўғин машғулотларини ташкил этди. Мураббийлар ўтган икки ой давомида миллий чемпионатимизда тўп сураётган ва Россия, Украинада уйнаётган қирқ нафарга яқин футболчиларини синовдан ўтказишди. Энг муҳими, олимпиячиларимиз Украина ёшлар терма жамоасини, «Арсенал» (Киев, Украина), «Алма-Ата» (Қозғистон), «Зимбру» (Кишинёв, Молдова), «Амкар» (Пермь, Россия) сингари футбол клублари билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушдилар.

— Тожикистон Олимпия терма жамоаси жиддий рақиблардан саналади, — дейди бош мураббий Вадим Абрамов. — Уларга қарши тўп суриш осон кенмаслиги аниқ. Жумладан, чемпионат бошланганда туририб, учрашувларнинг февраль ойида ўтказилаётганлиги ҳам маълум қийинчиликлар туғдиради. Қолаверса, қийин охириги ойида Тошкентда ҳам, сафарда ҳам яхши аҳволдаги майдонда тўп суришга умид қилиш қийин. Бироқ шунга қарамай илк босқичда терма жамоамизнинг галаба қозонишига ишонаман. Ийгилигимиз ҳозир нафақат Тожикистон футболчиларинини, балки ундан-да қулироқ терма жамоаларни енгилга ҳам жисмонан, ҳам руҳан тайёр. Қолаверса, ЎФФ томонидан олдинга фақат галаба қозониш вази фасини қўйилган.

Эркин ХОЛБОБОВ

«ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ АНТОЛОГИЯСИ»

Бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлмиш ёш авлод маънавиятини бойитишда, уларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол туйғуларига садоқат ҳамда халқимизга хос азалий қадриятларга чукўр ҳурмат руҳида тарбиялашда шубҳасиз болалар адабиётининг ўрни беқийс. Каттами-кичкими, бу йўлда бошланган ҳар қандай сая-ҳаракат эзгулик манзилига экилган бир ниҳол ёки келажак сари қўйилган қадам билан баробар.

Яқинда «Ўқувчи» ва «Чўлпон» номидagi нашриёт-матбаа ижодий ўйлари ана шундай савобли ишга қўл урди — «Ўзбек болалар адабиёти антологиясининг I-II жилдлари босмадан чиқарилди. Мухбиримиз таниқли болалар шoirи, антологиянинг биринчи жилдини тўзувчи ва нашрга тайёрловчиси Турсунбой АДАШБОЕВ билан суҳбатлашди.

— Аввало мазкур қимматли нашр дунё юзини кўргани билан табриклиямиз! Айтингчи, антологияни тузишдан қўзланган мақсад нима эди?

— Антология — чекак дегани. Яъни энг анови й гуллар, энг сара чекаклардан асалган гулдаста. Болаларга аталган ҳар қандай ижод намунасини худди гулга ўхшайди, ундан таралган хушбўй ифори барчага ёқади. Шунинг учун ҳам бу «гуллардан сараланиб тартиб берилган антологияни гулдастага қийсасасак — ўринли бўлар. Уни тузишдан қўзланган мақсад-муддага келсак, бугунги бозор иқтисоди шaroитида болалар адабиёти вақилларининг ҳар бирининг асарлари биттадан тўплам ҳолида чиқарилса, бир йўла 50-60 та шoir-ёзувчининг китобини нашр этишга тўғри келади. Шу боис улар ижодининг энг сараларини танлаб, битта антологияга жамлаш ҳар томонлама фойдали. Қолаверса, китоб чиқариш ҳам му-

аян маблағларни талаб қилади. Биз шуларни ҳисобга олиб, болалар шoirларининг таржimai ҳолини, сара асарларини тўплаб, антология шаклида чоп этишга қарор қилдик. Хуллас, узок изланишлардан сўнг ниҳоят ушбу тўплам ўқувчилар қўлига теғди.

— Антология қайси ёшдаги китобхонларга мўлжалланган? Унинг ахамияти ҳақида нима-дег орасиз?

— Мазкур китоб мустақиллик йилларида болалар адабиёти соҳасида эришилган энг катта ютуқлардан бири бўлди, десак янглишмаймиз. Бундан чорак аср муқаддам ҳам ўзбек болалар шеърини антологияси яратилган, лекин ҳозиргиси ундан тубдан фарқ қилади. Сабаби, мазкур тўпламга асосан ўша замон руҳидаги шеърлар, асарлар киритилган. Янги антологиядан эса фарзандларимизни она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбияловчи, улар маънавийни юксалтириб, тафаккурини бойитишга хизмат қилувчи асарлар ўрин олди.

Бугунги кунда қишлоқдаги ўқувчи ёки лицей мураббийи болалар шoir-ёзувчиларининг ҳамма асарларидан фойдаланиш имконига эга эмас. Антологиядан эса муаллим ўз ўқувчисига барча болалар ижодкорлари ҳақида тўлиқ билим бера олади, қолаверса қизқариб шеър, ҳикоя ва эртаклар уни болаларнинг севиб ўқийдиган китобига айлантириши шубҳасиз. Шу маънода антология ўқувчи ва ўқувчига қимматли дастур вази фасини ўташига ишонаман.

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхтамоқ жоиз. Маълумки, бугунги кунда юртимизда бошқа тилларда ижод қилувчи болалар шoirлари бор. Улар орасида ўзбек адабларининг асарларини бошқа тилларга таржима қилиб келаятганлари талайгина. Антологиянинг шеъринга бағишланган биринчи жилдида ана шундай шoirлардан бир гуруҳининг ижодини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Бунда қайси тилда ижод қилишига қараб биттадан вақил танланди. Масалан, рус тилида асарлар яратаятган шoirлар ичидан Ёқуб Ҳўжаев, қозок шoirларидан Маҳмадбой Умаров, қорақалпоқлардан Холмурод Сафаров ижоди мазкур икки жилдликнинг биринчисига киритилди. Ўйлайманки, фарзандларимиз маънавиятини қўзлаб қилинган бу ҳайрли иш биз шoirлар адибларнинг улур олдидagi қардорлигини бироз бўлса-да узишга хизмат қилади.

Матнроз ЭЛМУРОДОВ
суҳбатлашди

Орамиздаги одамлар

КОМИЛЛИК СИРИ

захматқаш олим, мураббий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Жамол ЖАЛОЛОВ ҳаётига чизгилар

I
Илмининг сермашаққат айналари, шогирдлар эҳтиромини ю инжиқликларини тоғдек вази млик билан кўтараятган, умрининг ҳар бир дақиқасини олинга менгаб, уни майда-чуйдаларга сарфламаганидан икки бир хотиржамлик туовчи бу инсон — етуқ олим, инглиз тилининг нозик табиати зарғари Жамол Жалолов билан суҳбатлашиб, комиллик, фидойилик — у бир кун, бир йилнинг махсули эмаслигини, бунинг учун ҳар бир инсон ўзини дақиқа сайин кашф этиб бориши зарурлигини аниқлади.

Одатда, устозлар қаттиққўл бўлсалар бундан хурсанд бўлиб, қўнгли тоғдек кўтарилдиган ёки аксинча, иложи борица уларга чап беришга ҳаракат қиладиган илми толиблар камин дунёда? Жамол Жалолов учун илмга шунчаки қараш, дарсини шунчаки ўтиш бўлмаган. У ҳар сафар талабалар ҳузурига ошиқар экан, ўзининг «мени билан бир дақиқа танҳо қолиб, унга ҳисоб берган, илмини текширган, камчиликларини тўғрилган, кайфиятини кўтарган, талаб қўйган, рози ёки норози бўлган, кийим-бошларини тузатган, сўнгра шогирдлари ҳузурига йўл олган.

Бу зерилишлар комиллик сирининг илк поғонаси эмасми? — Болалғи Ҳўжади латиғида — уллар даврасида ўтган бўлгуси олимнинг табиатида ҳорик тилига бўлган муҳаббат қанон туйлиб улурган эди? Одатда шoirи шуаро, фоэлулу фузалоларнинг бешиги ҳисобланган Қўзон шахрининг оддий бир фарзандини вақтлар келиб, «сен пайтахта узок йиллар инглиз тилидан талабаларга сабоқ берсан, тўрт юздан зиёд илмий мақолалар,

қатор дарсликлар муаллифи бўлсан, дунё кўрасан, деганларида ишонмаган булар эди. Бироқ, дарахнинг меваси тағига тушгандек, олимнинг пада-рини бузруквори Жалолдин отаниннг бир пайтда у тилда бемалол ёза олиши, Фирқ-мулоҳазасидаги теранлик Оллоҳнинг амири билан зурийдига ҳам ўтган эди. Шунингдек, хондондаги халқ хофи-зи Эрка қори Каримов, халқ артисти Муроджон Аҳмедов, халқ шoirи Чархий, мавлоно Чустий, профессор Абдуқодир Хайитметов каби эл севаган инсонларнинг дилбар ва тақорланмас суҳбатлари дунёни ҳайрат қўзи билан кўраётган боланинғ калбига чукўр из қолдирган эди. Шу ёрда бири шайхнинг келтириши жоиз деб билдик.

«Бир киши бошига иш тушганида доно бир инсондан: «Ховли-жойингиз, илму одобингиз қимдан мерос, биродар?» деб сурабди. У киши «Отамдан», деб жавоб берибди. Шунда суҳбатдоши: «Шу-нинг ўзи насихатдир. Агар сиз одамларга, ота-онангизга яхшилик қилсангиз, яхши от қоладин», — деган экан. Баъзан тирик хотирларни кўз онанида волидан меҳрибони Тожикисон Султон қизининг илпакдек майин овози қўлига чалингандай, қўларининг тағти пешо-насини иситгандай туюлади. Эеро, Ҳадиси шарифда ёзилганидек: «Солиҳ фарзанднинг ота-онаси ҳақиқта қилган дуоси ижобат бўлади ва уни воляга етказган ота-онанинғ амал дафтари ёпилмайди».

Демак, комилликка эришишнинг яна бир сирини ота-онанинғ пирилиги, устозлиғидир. Чунки ҳаёт деган улур дарёнинг бошида пада-рини бузрукворлар, волидаи муҳтарамлар турибди.

II
Умр — мисоли оқар дарё. Вақт

эса умр ҳукмдори. У миллионлаб тақдирларни мўъжаз ер кўрасининг турли бурчақларига бошлаб боради, макон топтиради, ризку насибасига рўбарў қилади. У бундан ярим аср аввал Тошкентга келиб, чет тиллар институтига ҳужжат топириб, кириш имтиҳонларини топишганда 16 ёшда эди. Устозлари эътиборини қозонган бўлгуси олим институтда ишлаш учун қолдирилди.

III
Жамол Жалолов академик А.Мироллобов «чет тил ўқитиш методикасининг билимдонини», профессор В.Андрейков «лингводи-дактиканинғ катта олими», тил ўргатиш фани бўйича йирик ар-боб В.Цетлин «лингводидактика фанининг йирик намояндаси» дея баҳо беришган эди. Фан олимпиади бундай тан олишларнинг тубида эса фақат комиллик сари битиним интилан инсон тафаккурининг меҳнати ётибди.

Кўп қиррали захматқаш олим иктимойи ҳаётига ҳам фаоли иштирок этиб, қатор илмий кенгашларнинг аъсоси хамдир. Дарсликларини бир неча миллион нуҳада нашр қилинган, аллома том маънода минглаб ёшларнинг маънавий уз-този хамдир. Махсулдор или соҳибини бочадан тортиб, мактаб, лицей, коллеж, бакалавр, магистратура, аспирантураларга бўлган уз-луксиз таълим тизимида чет тилларни ўргатиш-ўрганашга оид китобларини чоп этирган.

Айни пайтда Жамол Жалолов катта оиланинғ бошлиғи, умр йўлдоши Холида ая билан олти фарзандининг ардоқли отаси, 14 набиранинғ суоқли бобоси, доно маслаҳатўйи, дустларнинг содик сафодини сифатида ибратли ҳаёт тарзига эга.

Шарифа ЭГАМБЕРДИЕВА

БРОНЗА МЕДАЛИ



28 январь — 4 февраль кунлари Хитойнинг Чанчун шаҳрида VI кишики Осие ўйинлари бўлиб ўтди. Қитъамизнинг ушбу нуфузли мусобақасида ҳамюртларимиз спортнинг тоғ чангис ва муз устида нафис учин турлари бўйича голиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақа якунида вақилларимиздан фақат муз устида нафис учишнинг жуфтлик бахсларида майдонга чиққан Марина Аганина — Артём Князевларгина совриндорлар қаторидан жой олишди. Эркин дастур бўйича 126,20 очко жамгарган Аганина — Князев жуфтлиги бронза медали билан тақдирланди.

Тошкент давлат техника университети олий математика кафедраси жамоаси катта ўқувчи Ахат Тилововага ахаси **Ақбар ТИЛОВОВ**нинг вафот этгани муносабати билан чукўр таъзия изхор қилади.



ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖЖ «ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №2 на 2007 год, на приобретение нижеследующего оборудования для рефрижераторного вагона и тепловоза с поставкой согласно графика (1-2 квартал 2007 года):

1. Холодильный агрегат ФАЛ 056/7 используемый в рефрижераторных изотермических вагонах со встроенной холодильной установкой с рабочим циклом охлаждения/нагрев в количестве 50 штук.
2. Дизель марки 1А9ДГ исполнения 2 (с синхронным генератором марки ГС-501 АУ2) в количестве 4 штук.

За тендерной документацией обращайтесь по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖЖ «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўленилгатамгин», комната 410. тел.: 138-84-72, 138-86-34.



Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andy KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikrorjon ISMOILOV**
Sobirjon TUNBAYATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshonba, poyshtonba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalda oshiriladi.

Г — 146
14282 nusxada bosildi
Г — Тижорат маттериали
O'z'A yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda